



Certain aspects of the timeframes associated with the application of detention as a preventive measure

Najmiddin USMANALIEV¹

Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan

ARTICLE INFO

Article history:

Received July 2025
Received in revised form
15 August 2025
Accepted 25 August 2025
Available online
15 September 2025

Keywords:

inquiry,
preliminary investigation,
detention,
accused,
suspect,
procedural time limit,
investigator,
inquiry officer,
court,
prosecutor,
criminal case.

ABSTRACT

The article provides a scientific analysis of the issues related to the duration of arrest and detention, as well as the periods of detention during preliminary investigations and inquiries. The author has conducted an in-depth study of the developmental trends in foreign legislation concerning the institution of procedural terms associated with preventive detention measures, as well as the requirements for detention periods in national legislation. The research addresses problematic situations observed in law enforcement practice and develops scientifically-based proposals and recommendations for resolving these issues. Furthermore, important conclusions have been formulated regarding the optimization of detention periods, with the aim of improving current criminal procedure legislation from the perspective of protecting individual rights.

2181-1415/© 2025 in Science LLC.

DOI: <https://doi.org/10.47689/2181-1415-vol6-iss8/S-pp75-82>

This is an open access article under the Attribution 4.0 International (CC BY 4.0) license (<https://creativecommons.org/licenses/by/4.0/deed.ru>)

Қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш билан боғлиқ муддатларининг айрим жиҳатлари

АННОТАЦИЯ

Калит сўзлар:

суриштирув,
дастлабки тергов,
қамоққа олиш,
айбланувчи,
гумон қилинувчи,
процессуал муддат,
суриштирувчи,
терговчи,
суд,
прокурор,

Мақолада шахсни қамоққа олиш ва қамоқда сақлаш муддатлари, шунингдек, дастлабки тергов ва суриштирув жараёнларида шахсни қамоқда сақлаш муддатлари билан боғлиқ муаммолар илмий жиҳатдан таҳлил қилинган. Муаллиф томонидан хорижий давлатларда қамоққа олиш эҳтиёт чораси билан боғлиқ процессуал муддатлар институтига доир қонунчиликнинг ривожланиш тенденцияларини ҳамда миллий қонунчиликда қамоқда сақлаш муддатларига қўйилган талабларни чуқур тадқиқ

¹ Teacher, Major, Academy of the Ministry of Internal Affairs of the Republic of Uzbekistan.
E-mail: najmiddinusmanaliyev@gmail.com

жиноят иши.

этилган. Тадқиқотда ҳуқуқни қўллаш амалиётида кузатилаётган муаммоли ҳолатлар ҳамда ушбу муаммоларни ҳал қилиш юзасидан илмий асосга эга таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилган. Бундан ташқари, амалдаги жиноят-процессуал қонунчиликни шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш нуқтаи назаридан такомиллаштириш мақсадида қамоқда сақлаш муддатларини оптималлаштириш йўналишлари бўйича муҳим ҳулосалар шакллантирилган.

Некоторые аспекты сроков, связанных с применением меры пресечения в виде заключения под стражу

АННОТАЦИЯ

Ключевые слова:

дознание,
предварительное
следствие,
арест,
обвиняемый,
подозреваемый,
процессуальный срок,
дознатель,
следователь,
суд,
прокурор,
уголовное дело.

В статье с научной точки зрения анализируются проблемы, связанные со сроками ареста и содержания под стражей, а также со сроками содержания под стражей в ходе предварительного следствия и дознания. Автор глубоко исследовал тенденции развития законодательства об институте процессуальных сроков, связанных с мерой пресечения в виде заключения под стражу в зарубежных странах, а также требования к срокам содержания под стражей в национальном законодательстве. В исследовании разработаны научно обоснованные предложения и рекомендации по решению наблюдаемых проблем, возникающих в правоприменительной практике. Кроме того, сформулированы важные выводы по направлениям оптимизации сроков содержания под стражей в целях совершенствования действующего уголовно-процессуального законодательства с точки зрения защиты прав личности.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг янги таҳрирда қабул қилиниши фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашда янада мустақкам кафолатлар тизимини яратди. Бу эса, жиноят-процессуал муносабатларда шахсининг озодликка бўлган ҳуқуқини чеклаш, айниқса, қамоққа олиш ва сақлаш билан боғлиқ масалаларни ҳуқуқий ва процессуал жиҳатдан мукамал тарзда кўриб чиқишни тақозо этади. Шунинг учун ҳам масалалар жиноят процессининг муҳим таркибий қисми сифатида ҳуқуқшунос олимлар ва ҳуқуқни қўллаш амалиёти вакилларининг диққат марказида турибди.

Янгиланган Конституцияси ҳуқуқий давлат тамойилларига содиқликни янада мустақкамлаб, қонунийлик, адолат ва шахс ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича халқаро стандартларга мос келувчи ҳуқуқий механизмларни такомиллаштириш заруратини илгари сурмоқда. Хусусан, қамоққа олиш эҳтиёт чорасига оид қонунчилик талаблари, унинг асослари ва қўллаш тартиби ҳуқуқий доктрина ва халқаро тажрибалар нуқтаи назаридан чуқур таҳлил қилиниши лозим.

Жиноят процессининг айблов ҳулосасини тасдиқлаш ҳамда суд муҳокамасига тайинлаш босқичларида юзага келадиган айрим ҳуқуқий муаммоларнинг таҳлили, шунингдек, қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллашда

қонунийлик ва асослилик мезонларини белгилашдаги долзарб масалалар илмий тадқиқот ва ҳуқуқий амалиёт учун устувор йўналишлардан бири сифатида намоён бўлмоқда. Бу борада, шахснинг конституциявий ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва процессуал кафолатларни кучайтириш мақсадида қонунчиликни такомиллаштириш ҳамда унинг ижросини таъминлаш юзасидан илмий-назарий ҳамда амалий таклифларни ишлаб чиқиш муҳим аҳамиятга эга.

Маълумки, жиноят-процессуал қонунчилик ва ҳуқуқни қўллаш амалиётида қамоққа олиш жиноят-процессуал мажбурият чораси сифатида кўплаб саволлар туғдиради. БМТнинг “Инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш тўғрисидаги конвенция”си 5-моддасида эркинлик ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқини қонуний равишда чеклаш учун асослар белгиланган бўлиб, унга мувофиқ “ушлаб турилган ёки қамоққа олинган ҳар қандай шахс дарҳол судьяга ёки қонунга мувофиқ суд ҳокимияти берилган бошқа мансабдор шахсга олиб борилади ва у оқилона муддат ичида суд муҳокамасидан ўтиш ёки судгача озод қилиниш ҳуқуқига эга бўлади”. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 27-моддаси учинчи қисмига кўра, шахсни суд қарорисиз 48 соатдан ортиқ ушлаб туриш мумкин эмас. Қонун чиқарувчи гумон қилинувчини суд қарорисиз 48 соатгача ушлаб туриш имконини берди. ЖПКнинг 226-моддаси 1-қисмига кўра, судга етарли асослар тақдим этилганида ушлаб туришни 72 соатлик максимал муддатга узайтириши мумкин.

РСФСР Жиноят-процессуал кодексига кўра, қамоққа олиш дастлабки терговнинг бирламчи босқичида қўлланилган. Амалдаги ЖПКда бу чекловлар мавжуд эмас. Бундан ташқари, қамоқда сақлаш муддатини ҳисоблашнинг бошланиши бўйича низолар ҳали ҳам мавжуд, аммо ушбу масала асосий хусусиятга эга бўлса-да, тўлиқ ҳал этилмаган, чунки у фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқини чеклашни белгилаш, шахс ва унинг процессуал ҳолатини аниқлаш билан боғлиқ. Фикримизча, қамоққа олишни қачон амалга ошириш қатъий белгиланиши мунозараларни ва суриштирув ёки терговни олиб бораётган мансабдор шахсга ортиқча босимни келтириб чиқаради. Шахсни қамоққа олишни амалга ошириш тергов вазияти ва заруратидан келиб чиқиб қўлланилгани мақсадга мувофиқдир.

Гумон қилинувчига нисбатан эҳтиёт чораларини қўллаш муддатига эътибор қаратиш лозим. ЖПКнинг 226-моддасига кўра, ушлаб туриш муддати шахс амалда ушланган пайтдан бошлаб қирқ саккиз соатни ташкил этиши қўшимча тарзда суднинг қарори билан қирқ саккиз соатга қадар узайтирилиши мумкинлиги белгиланган. Мазкур модданинг учинчи қисмида алоҳида ҳолларда, ушлаб турилган гумон қилинувчига нисбатан суд томонидан қамоққа олиш, уй қамоғи ёки гаров тарзидаги эҳтиёт чоралари қўлланилиши мумкин. Бунда гумон қилинувчига у ушланган кундан эътиборан ўн кун ичида айблов эълон қилиниши керак. Ҳозирда терговчи ва суриштирувчилар томонидан аксарият ҳолларда гумон қилинувчи сифатида қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш бўйича илтимоснома киритиш амалиёти шаклланиб бораётганлиги бир мунча саволларни туғдирмоқда. Фикримизча, қонун чиқарувчи томонидан қўлланилган “алоҳида ҳолларда” тушунчасини қандай ҳолларни назарда тутиши ва айб эълон қилиш имкони йўқлиги олдиндан маълум бўлган шахсларни ҳам гумон қилинувчи сифатида 10 кун қамоқда ушлаб туриш имкони мавжудлиги тегишли ваколатларга эга

бўлган шахсларга мансаб ваколатини суиистеъмол қилиш учун шароит яратиб бериши мумкин.

Қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш амалиётини ўрганадиган бўлсак, биргина 2024 йилнинг 5 ойида қамоққа олиш эҳтиёт чораси танланган шахсларнинг 305 нафари зарурат йўқлиги ва 4 нафари айби тасдиқланмаганлиги сабабли қамоқдан озод этилганлигини кўришимиз мумкин. Мазкур статистик маълумотлар тақдим қилинган 1-Я ҳисоботида гумон қилинувчи сифатида қамоққа олинган шахсларни кўрсатиш имкони бўлмаса-да, тергов амалиёти таҳлилига кўра, барча қамоққа олинган (гумон қилинувчи ёки айбланувчи) шахслар бир қатордан акс эттирилади. Масаланинг муҳим жиҳати шундаки, қамоқда сақлаш зарурати йўқлиги сабабли бўшатишган шахслар сонининг кўплигидир. Эътиборлиси, ушбу рақамларга моддий зарарни қоплаганлиги сабабли озод қилинган шахслар киритилмаган. Тадқиқот иши доирасида ўтказилган сўровномада иштирок этган суриштирувчи ва терговчиларнинг 65 фоизи қамоқдан бўшатишган шахсларнинг аксарияти гумон қилинувчи сифатида қамоққа олинган шахслар эканлигини билдирган.

Ушбу муаммони бартараф этиш мақсадида “алоҳида ҳоллар” тушунчасини аниқлаштириш ва унинг доирасини белгилаб бериш зарур. Қуйида биз қандай ҳоллар “алоҳида ҳоллар” сифатида қабул қилиниши мумкинлигига оид фикрларимизни баён қилиб ўтамиз:

алоҳида ҳоллар – бу шахсга нисбатан жиноят иши юзасидан айб эълон қилиш учун асослар мавжуд бўлса-да, экспертиза хулосаси ёки тафтиш натижаларини олиш ва жиноятнинг кўп эпизодли, гуруҳ таркибида содир этилганлиги сабабли далилларни тўплаш учун ушлаб туриш муддати етишмаслиги, карантин, эпидемия ёки бошқа фавқулодда вазиятлар ҳамда шахснинг терговдан яшириниш, далилларни йўқ қилиш, сохталаштириш ёки гувоҳларга босим ўтказиши мумкинлиги бўйича асосли маълумотларнинг мавжудлигидир.

Ушбу ҳолатлардан бири ёки бир нечтаси мавжуд бўлганда, гумон қилинувчига нисбатан қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилиши мумкин. Шу билан бирга, қарор чиқаришда ҳар бир ҳолат индивидуал баҳоланиши, инсон ҳуқуқларига риоя қилиниши ва қонунчилик талабларига тўлиқ мувофиқ бўлиши лозим.

ЖПКнинг 226-моддаси учинчи қисмидаги “алоҳида ҳоллар” деганда, юқорида келтирилган ҳолатларнинг инobatга олинишини белгилаб қўйиш қонун нормасининг аниқ ва бир хилда қўлланилишига эришиш, шунингдек, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари томонидан ушбу нормани талқин қилишда юзага келиши мумкин бўлган суиистеъмолчилик ҳолатларининг олдини олиш мумкин.

Мазкур таклифларнинг амалиётга татбиқ этилиши жиноят процессининг самарадорлигини оширишга, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини янада ишончли ҳимоя қилишга ҳамда, қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилади.

ЖПК 226-моддасига кўра, ушлаб туриш муддати шахс амалда ушланган пайтдан (эркин ҳаракатланишга бўлган ҳуқуқларнинг ҳақиқий чекланган пайти) эътиборан кўпи билан қирқ саккиз соатни ташкил этиши белгиланган. Мазкур

қонун талаби шахсни ушлаш ҳақидаги баённома тузилган вақтдан ёки ушлаш билан боғлиқ тезкор-қидирув тадбири амалда қачон якунланганидан қатъий назар шахснинг эркин ҳаракатланиши амалда чеклангандан бошланиши лозимлигини билдиради. Бирор-бир жиноятни содир этганликда гумонланиб ушланган шахс билан ушлаб туриш муддати доирасида терговга қадар текширув, суриштирув ёки дастлабки тергов ҳаракатлари ўтказилиши мумкин бўлиб, бунда иш ҳолатига ойдинлик киритиш, ушлашнинг қонунийлигини текшириш, тайёргарлик кўрилаётган жиноятнинг олдини олиш ҳамда жиноят содир этган шахснинг келгуси жиноий фаолиятига чек қўйиш чоралари кўрилади. Бироқ ушланган шахснинг маст ҳолатда бўлишлиги масъул шахсларнинг ўз фаолиятларини давом эттиришига тўсқинлик қилиши билан бирга шахсга унинг ҳуқуқларини тушунтириш имконини бермайди.

МЖТК 288-моддасининг тўртинчи қисмида агарда маъмурий йўл билан ушланган шахс маст ҳолатда бўлса, у ҳушёр тортган вақтдан бошлаб ушлаб туриш муддати ҳисобланиши белгилаб қўйилган. ЖПКнинг 1-моддаси талабларига кўра, жиноят ишларини юритиш фақатгина мазкур кодекс билан тартибга солиниши, маст ҳолларда ушланган шахслар ушланганда уларни ушлаб туриш муддатини ҳушёр ҳолатга келган пайтда бошли ҳисоблаш имконини бермайди.

Фикримизча, маст ҳолатда бўлган шахс ушланганида ушлаб туриш муддатини ҳисоблаш унинг тўлақонли муомала қила олиш ёки ўз ҳаракатларига жавоб бериб, мулоқотга кириша олиш имкониятига эга бўлгандан бошлаб ҳисобланиши лозим. Шу мақсаддан келиб чиқиб биз ЖПКнинг 226-моддаси биринчи қисмига қуйидаги тартибда қўшимча киритишни таклиф қиламиз:

ЖПКнинг 226-моддаси биринчи қисми *“...узайтирилиши мумкин...”* жумласидан сўнг *“...агарда шахс ушланган вақтда маст ҳолатда эканлиги аниқланса, ушлаб туриш муддатини ҳисоблаш у ҳушёр тортган вақтдан бошланади.”*

Кучли мастлик ҳолатида бўлган шахснинг ҳушёр ҳолатга келиш критериялари тиббий ва ҳуқуқий нуқтаи назардан аниқ белгиланиши лозим. Бу, айниқса, шахсни ушлаб туриш муддати ҳисоб-китоб қилинишида муҳим аҳамиятга эга.

Бу борада тадқиқот олиб борган А.П. Симестер (A.P. Simester) ўзининг “Intoxication is Never a Defence” номли мақоласида мастлик ҳолати жиноий жавобгарликни йўққа чиқарувчи ҳимоя сифатида қабул қилинмаслигини таъкидлайди. Унинг фикрига кўра, шахс ўз ихтиёри билан маст бўлган тақдирда, бу ҳолат унинг жавобгарлигини камайтирмайди ва ушлаб туриш жараёнига таъсир қилмаслиги ҳақида фикр юритган.

Шу ўринда ҳақли савол туғилади маст ҳолатдаги шахс қачон ҳушёр тортган деб ҳисобланади?

Биз шахсни ҳушёр ҳолатга келганлигини ифодалаш мақсадида қуйидаги муаллифлик таърифини ишлаб чиқдик:

“Шахс ҳушёр ҳолатга келган деб, у ҳаракат ва нутқ координацияси тикланган, вазиятни адекват баҳолаш, ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаш ҳамда тергов органлари билан мулоқот қилиш қобилияти тўлиқ тикланган ҳолатига айтилади”.

И.В. Маслов шахсни қамоқда сақлаш муддатлари борасида фикр юритиб, қамоққа олиш ва уй қамоғи шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кескин

чеклайди, дея фикр билдирган. Кўпгина ҳуқуқбузарликлар қамоқда сақлаш муддатини бузиш билан боғлиқ. Қамоқда сақлаш муддатини қисқартириш судга қадар иш юритишнинг энг долзарб муаммосидир. Ушбу муддатни қисқартириш жиноят процессида иштирок этувчи шахсларнинг конституциявий ҳуқуқларини чеклаш асоссиз узоқ давом этмаслиги учун зарурлигини билдириб ўтади. Биз И.В. Масловнинг қамоқ шахснинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини кескин чеклаши ҳақидаги фикрига қўшилаемиз. Бироқ қамоқ муддатларини дастлабки тергов ёки суриштирув муддатларидан мустақил равишда қисқартириш ёки бошқача тарзда чеклаш мумкин эмас.

Жиноят содир этган шахсларга нисбатан жиноят иши доирасида қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш, қонунда белгиланган муддатларга риоя этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ҳуқуқни қўллаш амалиёти ва амалдаги қонунларда шундай ҳолатлар мавжудки, ҳар доим ҳам шахснинг қамоқда белгиланган муддат доирасида бўлишини таъминлаш иложсиз бўлиб қолади.

Мазкур ҳолат бўйича бир нечта амалий ҳолатларни кўриб чиқсак:

биринчидан, жиноят процессида қамоққа олиш муддатлари билан боғлиқ бир қатор муаммолар мавжуд. Улар, айниқса, дастлабки тергов ва суриштирув босқичларида яққол намоён бўлмоқда. Ушбу масалалар юзасидан қуйидаги таҳлилни келтириш мумкин: жиноят иши қўзғатилиши билан бир вақтда шахсга нисбатан қамоққа олиш эҳтиёт чораси қўлланилган ҳолларда, уч ойлик дастлабки тергов муддати якунланиши арафасида бир қатор мураккаб ҳуқуқий масалалар юзага келмоқда. Жумладан, тергов ҳаракатлари якунланиб, жиноят иши материаллари билан таништириш жараёнида айбланувчининг ҳимоячиси томонидан асосли илтимосномалар киритилган тақдирда, қўшимча тергов ҳаракатларини амалга ошириш зарурати пайдо бўлиши мумкин. Аммо амалдаги қонунчиликда бундай ҳолларда қамоққа олиш муддатини қандай тартибда ҳал этиш масаласи аниқ тартибга солинмаган.

Бундай вазиятлар нафақат жиноят иши қўзғатилиши билан бир вақтда қамоққа олинган шахслар, балки ЖПКнинг 224-моддасига мувофиқ дастлаб ушланган шахслар, шунингдек, жиноят иши қўзғатилгандан сўнг қисқа муддат ичида ушланиб, қамоқ эҳтиёт чораси қўлланилган шахслар бўйича ҳам учраб турибди.

Қонунчиликка мувофиқ, қамоққа олиш эҳтиёт чорасининг дастлабки муддати уч ой этиб белгиланган бўлиб, бу муддат ўтгач, суднинг рухсатсиз шахсни қамоқда сақлаш тақиқланади. 2011 йил 29 сентябрда қабул қилинган “Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида”ги ЎРҚ–298-сонли Қонуннинг 53-моддасида қамоқда сақлаш муддати тугаши шахсни озод қилиш учун асос бўлиши аниқ белгиланган. Шунингдек, мазкур Қонуннинг 54-моддаси қамоқда сақлаш муассасаси маъмурияти зиммасига қонунчиликда белгиланган вазифаларни бажариш юзасидан муҳим мажбуриятларни юклайди. Унга кўра, ушлаб туриш муддати тугашидан 12 соат, қамоқ муддати тугашидан етти сутка олдин жиноят иши юритаётган мансабдор шахсга ёзма хабар берилиши шарт.

Аммо ҳуқуқни қўллаш амалиётида терговчилар томонидан қамоқ муддати тугашига оз вақт қолганида қамоқда сақлаш муассасаси раҳбарияти томонидан юборилган хабарномага жавобан, тергов ҳаракатлари якунланганлиги ва иш

айблов хулосаси билан судга юборилганлиги ҳақида хабарнома тақдим этиш билан чекланиш ҳолатлари кузатилмоқда. Бундай ҳолатда айблов хулосасини тайёрлаш, ишни прокурорга юбориш ва судга тақдим этиш жараёнлари қамоқ муддати ўтганидан кейин ҳам давом этиши мумкин. Бу эса шахснинг қонуний асосларсиз қамоқда сақланишига олиб келади.

Шу билан бирга, юқорида қайд этилган қонуннинг 54-моддасига асосан, агар қамоқ муддати тугаганидан сўнг ушлаб туриш муддатини узайтириш, қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоқда сақлаш муддатини узайтириш тўғрисида тегишли қарор қабул қилинмаган бўлса, прокурор ёки қамоқда сақлаш муассасаси раҳбарияти шахсни дарҳол озод этиши шарт. Бунда, иш судга ёки прокуратурага юборилганлиги қамоқ муддатини ўз-ўзидан узайтириш учун асос бўла олмайди.

Шунингдек, шахснинг қамоқда сақлаш муддати тугаганидан кейинги даврда жиноят иши юритилиши доирасида айблов хулосасини расмийлаштириш, прокурор назоратидан ўтказиш ва ишни судга юбориш билан боғлиқ жараёнлар кечиктирилган тақдирда, шахснинг ҳуқуқий мақоми ноаниқ бўлиб қолиши мумкин. Суд фақат белгиланган муддатда шахсни қамоқда сақлашга рухсат берган ҳолда, мазкур муддат расмий равишда узайтирилмаган бўлса, шахсни қамоқда сақлаш ҳолати ҳуқуқий асосга эга бўлмайди. Бу эса, ўз навбатида, шахснинг шахсий эркинликка бўлган конституциявий ҳуқуқларининг бузилишига олиб келиши мумкин.

Шундай қилиб, амалдаги қонунчиликда жиноят иши юритилиши жараёнида айблов хулосаси тайёрланиши ва ишни судга юбориш вақтида қамоқ муддати тугаган шахснинг қамоқда бўлишининг асослилиги борасида ҳуқуқий бўшлиқ мавжуд. Шунинг учун мазкур соҳада қонунчиликни такомиллаштириш, тергов ва суд жараёнларида шахснинг ҳуқуқий кафолатларини таъминлаш учун аниқ механизмлар ишлаб чиқиш зарур.

Юқоридагилардан келиб чиқиб ЖПКнинг 372-моддасини қуйидаги таҳрирдаги янги иккинчи қисм билан тўлдириш мақсадга мувофиқ:

372-модда. Дастлабки терговни тамомлаш турлари. Иккинчи қисми:

“...дастлабки тергов айблов хулосаси тузиш билан тамомланаётганда, жиноят иши юзасидан шахсга нисбатан танланган қамоққа олиш ёки уй қамоғи эҳтиёт чораси танланган ва қамоқ муддати тугашига 10 кун ва ундан кам вақт қолган ҳолларда қамоқ муддатини узайтириш масаласини ҳал этиши лозим.”

Иккинчидан, юқорида келтирилганидек, қамоқда бўлган шахс бўйича тамомланган, қамоқ муддати тугашига жуда оз муддат қолган жиноят иши прокурор томонидан қўшимча терговга қайтарилган ҳолларда қамоқ муддати қандай тартибда ҳал этилиши ҳам аниқ белгиланмаган.

Биз ушбу ҳолатни бартараф этиш мақсадида ЖПКнинг айблов хулосаси ёки айблов далолатномаси билан келган жиноят иши юзасидан прокурорнинг қарорлари акс эттирилган 385-моддаси иккинчи қисмини қуйидаги мазмунда тўлдиришни таклиф қиламиз:

“...Башарти айбловни тўлдириш ёки уни оғирлаштириш томонига ёхуд ҳақиқий ҳолатларга кўра аввалги айбловдан жиддий фарқ қиладиган томонга ўзгартириш талаб қилинса, прокурор ёки унинг ўринбосари қўшимча ёки ўзгартирилган айб эълон қилиш учун ишни қўшимча терговга қайтаради. Ишни қўшимча терговга қайтариш ҳақида қарор чиқариш билан бирга шахснинг қамоқда бўлиш муддати инobatга олиниши ҳамда қамоқ муддати тугашига ўн кун ва ундан

кам вақт қолганидан уни узайтириш масаласини ҳал этиш тўғрисида ёзма кўрсатма бериш шарт.

Хулоса қилиб айтганда, жиноят процессида қамоққа олиш муддатлари билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш учун қонунчиликни янада такомиллаштириш, амалиётда қонун нормаларига қатъий риоя этилишини таъминлаш ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимларининг бу борадаги масъулиятини ошириш зарур. Мазкур чора-тадбирлар фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш, қонун устуворлигини таъминлаш ҳамда жиноят процессининг самарадорлигини оширишга хизмат қилади.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Жиноят-процессуал ҳуқуқ: Дарслик // Д.М.Миразов, Б.Н.Рашидов, Ш.А.Қулматов ва бошқ. – Т.: Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси, 2019. 333 б.
2. Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига шарҳлар. Масъул муҳаррир: проф. Ғ.А.Абдумажидов. –Т.: ТДЮИ нашриёти, 2009. -950 бет. Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган юрист, юридик фанлар доктори, профессор М.Ҳ. Рустамбоевнинг умумий таҳрири остида
3. Ўзбекистон жиноят-процессуал қонунчилигини такомиллаштириш истиқболлари (халқаро илмий-амалий конференция материаллари тўплами). – Т.: ТДЮУ, 2021. – 386 бет
4. Кадирова М.Х. Жиноят процессуал муддатлар. Монография. -Тошкент: ТДЮУ, 2021. –30 б
5. Уголовный процесс Республики Узбекистан: Общая часть. Учебное пособие / Автор-составитель к.ю.н. У.А.Тухташева. – Т.: Издательство ТГЮИ, 2007. – 513 с
6. Конвенция о защите прав человека и основных свобод. Рим. 4 ноября 1950 года (21.09.1970 й., 20.12.1971 й., 01.01.1990 й., 06.11.1990 й., 11.05.1994 й.қўшимча ва ўзгартиришлар билан) // <http://hrlibrary.umn.edu/russian/euro/Rz17euroco.html>
7. Цоколова О.И. Сроки задержания подозреваемого // Совершенствование норм и институтов Уголовно-процессуального кодекса Российской Федерации: материалы Межвуз. науч.-практ. конф.– Омск, 2006. – С. 116-121; Еникеев М.И., Образцов В.А., Эминов В.Е. Следственные действия: психология, тактика, технология. – М., 2008. – С. 206-213 и др.
8. Ўзбекистон Республикаси ЖПК 226-моддаси учинчи қисми <https://www.lex.uz/acts/111460>
9. ИИВ Тергов департаменти 1-Я ҳисоботи 2022,2023 ва 2024 йиллар учун.
10. Маслов И.В. Проблема сроков ознакомления обвиняемого и его защитника с материалами уголовного дела // Концептуальные основы реформы уголовного судопроизводства в России: материалы науч. конф. – М.,2002.С. 103.
11. 2011 йил 29 сентябрдаги “Жиноят ишини юритиш чоғида қамоқда сақлаш тўғрисида”ги ЎРҚ-298-сонли Қонун <https://lex.uz/mact/1876877>